

**ФИЛИППИННИНГ «ПЕКИТИ ТИРСИА КАЛИ» ЖАНГ  
САНЪАТИ: ТАРИХИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
ОРГАНЛАРИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Хатамов Равшан Алиумарович,***

*Ўзбекистон Республикаси Ихтисослаштирилган ўқув маркази  
“Пекити-Тирсия Кали” йўриқчиларни тайёрлаш бўйича цикл бошлиги-  
мактаб раҳбари*

**Аннотация.** Мақолада – Филиппинни “Пекити Тирсия кали” жанг санъатининг яратилиши тарихи, бугунги кунда унинг қай даражаса ривожланганлиги, “Пекити-Тирсия Кали” жанг саъатининг асосий қоидалари ва бажариладиган ҳаракатлар, Ўзбекистонда бу спорт турини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, шунингдек Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиши органларининг ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимлари ўртасида ушибу жанг санъатини янада оммалаштириши ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Филиппин, жанг санъати, рақиб, ҳарбий хизматчи, қўл жсанги, қуроллар, ҳаракат, пичоқ, таёқ, қилич, техника, усул, ҳужум, қарши ҳужум, каратэ, рақиб, телескопик таёқча.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, шу соҳага малакали мутахассисларни тайёрлаб бериш мақсадида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифаларимиз қаторига киради”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 июндаги “Қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-287-сон Қарорида қўл жанги спорт турини аҳоли,

айниқса, ёшлар, соҳа учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрлар, тренерлар ва ҳакамлар тайёрлашга бўлган эътибор кучайтирилди. Ҳозирги кунда Филиппиннинг “Пекити Тирсиа Кали” жанговар жанг санъати нафақат Миллий гвардия балки Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида оммалашиб бормоқда.

**“ПЕКИТИ-ТИРСИЯ КАЛИ” ЖАНГ САЊАТИНИНГ ТАРИХИ.** Филиппиннинг “Пекити Тирсиа Кали” жанг санъатининг анъанавий оиласвий тизими бўлиб, унинг келиб чиқиши кўпчилик эркаклар орасида ўткир тифли совук қуролларидан фойдаланиш кенг тарқалган ва талабга эга бўлган даврга бориб тақалади. “Пекити Тирсиа Кали” жанг санъатининг аниқ ташкил этилган санаси номаълум бўлиб, Роммель Торталнинг айтишларича “Пекити Тирсиа Кали” жанг санъати билан тўрт авлод шуғулланганидан далолат беради. Ҳозирги вақтда ушбу жанг санъати пичоқ қуроллари билан курашишнинг энг самарали тизимларидан бири хисобланади.

“Пекити-Тирсиа Кали” Филиппин жанговар санъатига 1897 йил Лео Гае томонидан асос солинган. Аввал Лео Гае “Пекити-Тирсиа” деб номлаб, ўз устида ишлашни бошлаган. Кўпгина Филиппин жанг санъатлари қатори “Пекити-Тирсиа Кали” ҳам қуроллардан (таёқча, пичоқ, қилич) мукаммал фойдаланишини олдинга қўйиб, қўл жангини иккинчи ўринга қўйган.

Бу жанг санъати “Аввал барча машқларни таёқча билан ҳаракат қилиш тартибини тўғри ўрганиб, сўнgra хақиқий қурол билан бажариш керак. Бўш қўл билан кейинчалик ўрганиб кетиш осон ва қулай бўлади” – деган ғояни илгари сурган. “Пекити-Тирсиа Кали” жанговар санъатининг тарихи қадимий Филиппин қиличбозлиқ санъатига бориб тақалади.

Филиппиннинг “Пекити-Тирсиа Кали” тизими бугунги кунда мавжуд бўлган бир нечта ҳақиқий ва тўлиқ жанговар тизимларидан биридир. “Пекити-Тирсиа” - бу пичоқ билан курашиш тизими ва технологияси бўлиб, учбурчакли стратегик принципи асосида тузилган.

Бугунги кунда Филиппинда “Пекити Тирсия Кали” тизими Филиппин Қуролли күчлари томонидан расмий жанговар доктринаси сифатида тан олинган ягона Филиппин жанг санъати тизимидир.

“Пекити-Тирсия Кали” жанговар жанг санъати тизими Роммел Тортал оиласи томонидан Филиппиннинг Панай ва Негрос Оссидентал вилоятларида шакллантирилди ҳамда мукаммал даражага олиб чиқилди.

Кичик Лео Гае 1972-йилда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрига муҳожирликка кетади ва шу юртда қўним топади. Кичик Leo Gae Филиппин маданияти ҳамда миллий армиясини ютуқларини дунёга танитиш мақсадида АҚШдаги бошқа жанг санъати усталарини ўзига жалб қилған ҳолда “Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъатини тадбиқ қилишга уринади ва бунинг уддасидан чиқади. Булар қаторига АҚШ халқаро каратэ ассоциацияси, АҚШ каратэ федерацияси ва бошқалар киради.

1995 йилда “Pekiti-tirsya Interneshnl” ташкилотига асос солиниб, 1997 йилда мустақил ҳаракатланишга қарор қабул қилинди. Ҳозирги кунда tuxon guru MakGraf (McGrath) раҳбарлик қилмоқда.

1996 йилда Пекити-тирсия европа ташкилоти, бошқарувчи директор Madjino-Mandala бошчилигига ташкил топди.

2003 йилда Leo Gae бошчилигига “Pekiti-tirsya Global” халқаро ташкилоти ташкил топди ҳамда қуйидаги миллий директорлар тайинланди:

**Филиппин давлатида** – Madjinoo-Mandala Rommel Tortal (Rommel Tortal);

**АҚШда** – Madjinoo-Mandala Timoti D. Veyd (Timoti D. Veyd);

**Канадада** - Mandala-Tuxon Filipp Gelinas (Filipp Gelinas);

**Европада** – Madjinoo-Mandala Uli Veyd (Uli Veyd).

Аста-секин “Пекити-Тирсия Кали” бутун дунёга тарқалди. Ҳозирги вақтда Пекити-Тирсия Глобал ташкилотининг ваколатхоналари Австрия, Болгария, Чехия, Финляндия, Германия, Италия, Норвегия, Швеция, Швейцария, Испания, Франция, Англия, Голландия, АҚШ, Филиппин,

Малайзия, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Тайван, Таиланд, Аргентина, Канада ва Россияда жойлашган.

Филиппин жанговар санъати таълимоти ўз юртининг ҳарбий ютуқларини бутун дунёга кўрсатиш яъни “СОМБАТ” туркумida ҳаракатланишни ўзига асос қилиб олади.

**C** - (counter) – қарши, (қарши ҳужум);

**O** - (on) – устида;

**M** - (motion) – ҳаракатда;

**B** - (before) – олдин;

**A** - (attack) – ҳужум;

**T** - (time) – вақт.

**СОМБАТ** - ҳарбий атама бўлиб, қарши турувчи ҳаракат, ҳужумни олдиндан хис қилиб, қарши ҳаракат қилиш маъносини англатади. Яъни душман ҳаракатини олдиндан ҳужумини хис қилган ҳолда унга қарши стратегик ҳаракатни режалаштириш ва амалга оширишни англатади.

Ҳар бир ҳаракат рақибни ҳаракатини олдиндан билиш ва унга қарши жавоб қайтара олиш яъни стратегиясини билиш рақиб устидан ғалаба қозонишни таъминлайди. Рақиб ҳаракат стратегиясини билмаслик, ҳимоя, ҳужум, қарши ҳужум нолга тенглигини англатади. Яъни кўр-кўрони ҳаракат қилиш билан бир ҳил бўлади. Шу сабабдан Leo Gae Tortal “Пекити-Тирсия Кали” жанг саъатини рақиб билан яқин масофада турган ҳолда рақиб ҳаракатини олдиндан хис қилиб унга қарши ҳужумни ташкиллаштиришга қаратган.

**Pekiti** –яқин масофага келиш.

**Tirsiya** – майда бўлакларга кесиш.

**Kali** – учли, кесувчи тиғли жисмларга айтилади.

“Пекити-Тирсия Кали” ўткир тиғли совук қуроллар билан учбурчак шаклда ҳаракат қилган ҳолда жанг олиб бориш демакдир.

Қадимда Кали (яъни учи учланган ёғоч ходалар ҳам шулар қаторига киради) ёввойи хайвонлар ҳамда душмандан ҳимоя қилиш учун яшаш

худудлари атрофларига санчиб чиқилган. Тарихда **Кали** сўзи тахминларга кўра икки хил манбага асосланиб аталган:

**биринчи** - Филиппин давлати Калибо шахри Аклан маъмурий бўлинмаси номидан олинган;

**иккинчи** - жанглардан фойдаланиладиган “Kalis” пичоқ тури номига қўйилган.

“Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъатида асосий инсон танасини ҳисобга олган ҳолда беш хил усулда ҳужум қилиш тури мавжуд:

**Solo** - бир дона таёқча, қилич ёки найза;

**Dople** - иккита таёқча ёки қилич;

**Espada y Daga** - қилич ва ханжар;

**Daga y Daga** - пичокқа қарши пичок;

**Mano y Mano** - қўл жанги.

“Пекити-Тирсия Кали” жанговар санъатининг асосий қоидалари. “Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъатида рақиблар орасида уч хил масофа мавжуд:

рақибга қўл чўзганда етмаса - **узоқ масофа**;

рақибга қўли бевосита етса - **ўрта масофа**;

рақибга қўл ва оёқлардан ташқари, инсон танасини бошқа қисмлари етгудай бўлса – бундай масофа **яқин масофа** ҳисобланади. Бунда рақиб ҳаракатини доимо назорат қилиши лозим бўлишини таъминлайди.

“Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъатида ҳужум қилишнинг асосий уч тури мавжуд:

**ҳужумни ташкиллаштириш** (рақиб тифли ёки тўнтоқ қурол билан қуролланганда);

**рақибни умумий назорат қилиш** (рақиб тифли ёки тўнтоқ қурол ҳужум қилганда, ўзидан узоқлаштирган ҳолда, агар рақиб икки ва ундан ортиқ бўлса биринчи ҳужум қилган рақибни ўз инерцияси орқали шериклари томонга йўналтириш орқали, итариб юбориш билан амалга оширилади);

**мағлуб қилиш яńни йўқ қилиш** – бу охирги чора сифатида (рақибни ҳалок бўлиши) амалга оширилади.

Куч ишлатиш босқичма босқич амалга оширилади. Рақиб ҳолати, куролланиши ва имкониятига қараб босқичма босқич амалга оширилади. Бунда, асосийси рақибга керагидан ортиқ зарар етказмаслик яńни рақибни қўлга олиш имкони бўлиб, ҳимоя эҳтиёт чораси куч даражасини ошириб юбормаслик назарда тутилади.

Аввал рақиб ҳужумини енгил ҳимояни амалга оширган ҳолда кўрсатилаётган қаршиликни назорат қилиш орқали банди қилиш чоралари кўрилади, агар қаршилик меъёри ортгудай бўлса, рақибга нисбатан қарши ҳаракат ҳам босқичма босқич кучайтирилиб, рақиб мағлуб бўлгунга қадар амалга оширилади.

Ҳужумларни турларига қараб босқичма-босқич қўйидаги ҳолатларда ҳимояни ташкиллаштирилади:

рақиб ва ҳарбий хизматчи тифли совуқ қурол билан қуролланмаган ҳолда;

рақиб тифли совуқ қурол билан қуролланган, ҳарбий хизматчини қуроли ҳали қинидан чиқмаган бўлса (бундай вазиятда тезлик билан рақибни биринчи ҳужумини қўллар ёрдамида душман зарбасига чап берган ҳолда зарбани йўналишини ўзгартириб, ўзидан узоқлаштиради ҳамда қуролни қинидан чиқариб, душманни назорат қилган ҳолда ҳаракатни давом эттиради);

рақиб икки ва ундан кўп бўлганда (биринчи ҳужум қилган рақибни зарбасини йўналишини ўзгартириб, айланма ҳаракат билан шериклари томонга итариб юборади ва қуролни қинидан чиқариб, душманни назорат қилган ҳолда ҳаракатни давом эттиради);

рақиб телескопик таёқчаси билан ҳужум қилганда (юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар ёрдамида ҳужум қайтарилади ҳамда рақибга зарба берилади);

ўқ отар қурол билан қуролланган рақибни қуролсизлантириш, кишан тақиши ва назоратни амалга оширган ҳолда (банди қилиш).

“Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъати инсондан тезлик, чаққонлик, рақибнинг ҳаракатини олдиндан кўра билиш қобилияти шаклланганлиги шунингдек, жисмоний чиниқишини талаб қиласиди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда ҳам “Пекити-Тирсия Кали” жанговар санъати фаолият юритмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ихтисослаштирилган ўкув марказида қошида Миллий гвардия қўмондони ташаббуси билан мактаб ташкил қилинди. Ушбу мактабда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар таркибидаги маҳсус бўлинмаларининг ҳарбий хизматчи ва ходимлар таҳсил олмоқда.

Ўзбекистонга “Пекити-Тирсия Кали” бутунжаҳон федерацияси президенти Роммель Тортал (Филиппин) ва Белорусия “Пекити-Тирсия Кали – Батикан” Бирлашган жамоат спорт клуби раиси Швыдченко Эдуард Альбертович (Белорусия) ҳамда клуб вакили Горупа Владимир Леонидовичлар (Белорусия) ташриф буориб, улар томонидан “Пекити-Тирсия Кали” Филиппин жанговар санъати бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Ушбу ташрифдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг кўрсатмасига мувофиқ, 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларини “Пекити-тирсия Кали” жанг санъати бўйича йўриқчилар тайёрлашни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023-йил 29-апрелдаги 68-сон буйруғи ишлаб чиқилди.

Ушбу буйруққа асосан 2023 йилда Пекити Тирсия Кали Филиппин жанг санъати йўриқчиларини тайёрлаш беш босқичда амалга оширилди.

1-босқичда, тайёргарликдан ўтган йўриқчилар.

2-босқичда, Батальон командирларининг жанговар ва маҳсус тайёргарлик бўйича йўриқчилари;

3-босқичда, Батальон командирларининг жисмоний тайёргарлик ва спорт бўйича йўриқчилари;

4-дан 8-босқичларигача, отряд ва взвод командирларини жалб қилган ҳолда тайёрлаш назарда тутилган.

Тингловчилар билан ўтказилган машғулотларда асосан “**Пекити-тирсиа Кали**” жанг саънати тарихи, келиб чиқиши, ревожланиши ва қўлланиладиган анжомлар турлари *Телескопик тайёқ (дубинка)*, пичоқ, болта, керамбит, мачета (*қилич*), шитлардан фойдаланиш, инсон танасининг оғрикли нуқталари ҳамда зарба бериш мумкин бўлган ва тақиқланган нуқталари хақида маъруза қилдилар.

Курсларда амалий машғулотлар тўрт қисмга бўлиб ташкиллаштирилди.

Бунда биринчи бўлиб қўл ва оёқ ҳаракатларини амалга ошириш, рақиб зарбасидан химояланиш ва зарбалар бериш, таёқ билан зарбалар бериш, ҳамда химояланиш, ўткир тиғли жисим билан нимталаш, кесиш, ва химояланиш, совук қуроллар билан ишлаш, назоратга олиш каби машқлари ўргатилди.

“Пекити-Тирсиа Кали” жанг санъатида қўлланиладиган усулларда жанговар жанг усулларининг жуда кўпи мавжуд, аммо бу жанг санъатида яқин масофадан жанг қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин масофадан жанг қилишнинг асоси ёпиқ позициядир, бу ҳатто яқин масофада ҳам қочиш ва кучли зарбалар беришга имкон беради. “Пекити-Тирсиа Кали”да хужумларни бартараф қилиш ва душман зарба беришга улгурмагунча қарши хужум қилиш алоҳида аҳамиятга эга. “Пекити-Тирсиа Кали” душманнинг барча жабҳаларида, бурчакларида ва таъсир даражаларида хужумлар ва қарши хужумлар тамойилларига асосланади, сиз аниқ мудофаа техникасини деярли кўрмайсиз, чунки улар енгиш стратегияси учун самарали эмас деб ҳисобланади.

Пекити-Тирсиа кали 5 та асосий қуролни (шу жумладан инсон танасини) ўз ичига олади:

- 1) Яккахон-битта таёқ, қилич ёки найза;
- 2) Добле-қўшалоқ таёқ ёки қилич;
- 3) Эспада й Дага-қилич ва ханжар;
- 4) Дага й Дага-пичоқ ва пичоқ.

“Пекити-Тирсиа Кали” бўйича мунтазам нуфузли мусобақалар ўтказилмайди. Ушбу қўл жангги усулидан бир қанча фильм ва намойишларни суръатга олишда ҳам кенг фойдаланилган. Жумладан: Ричард Риддик жим ва Кен Виат томонидан яратилган, актёр Вин дизел томонидан экранда акс эттирилган уйдирма персонаж; «қора туйнук», «Риддик хроникаси», «Риддик» филмларининг бош қаҳрамони «Кали услугби»дан фойдаланади. Томми Ли Жонс ва Бенисио дел Торо қаҳрамонлари «ҳайдалган» (2003) бадиий фильмида Саёк Калининг жанг санъатини намойиш этадилар. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, куйидаги таклифларни киритмоқдамиз:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларида “Пекити-Тирсиа Кали” жанг санъати мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ўртасида “Пекити-Тирсиа Кали” жанг санъатини оммалаштириш;

Бўлинмаларда эрталабки жисмоний тайёргарлик ҳамда касбий тайёргарлик машғулотларида “Пекити-Тирсиа Кали” жанг санъати бўйича маҳорат машғулотларини ўтказиш;

“Пекити-Тирсиа Кали” жанг санъатини ёшлар орасида оммалаштириш мақсадида қисқа метражли видео роликлар тайёрлаш орқали тарғибот ишларини ташкиллаштириш.

Хулоса: Ўзбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоат тартибини сақловчи бўлинмалар фаолиятин такомиллаштириш ва самарасини ошириш, фуқаролар билан жисмоний куч ишлатиш муносабатига киришганда эҳтиёт чораларини қўллаш учун

“Пекити-Тирсия Кали” спорт туридан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” Т. “Ўзбекистон” -2021 й. 219-бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2022 й., 60-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 февралдаги ПҚ-180/22-2- сон “Ўзбекистон Республикасида қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
4. 2018 йил 5-мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони.
5. М.З.Ураимов, Ф.Б.Нажмутдинов, М.М.Ўролов, Ф.А.Салимов, Р.А.Хатамов. “ПЕКИТИ-ТИРСИЯ КАЛИ СИСТЕМ”. Ўқув методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази, Тошкент, 2023. – 100 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондонининг 2021 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларида жисмоний тайёргарлик ва спортни ташкиллаштириш бўйича вақтинчалик қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”ги №107-сонли буйруқ.
7. Интернет сайтлари Пекити-Тирсия Кали – Википедия (википедия.орг)